

Усулул-фиқҳ тушунчаси



12:13 / 08.07.2025 890

Ҳозир айтмоқчи бўлган гапларимиз илмий жиҳатдан таслим бўлинган, эътироф этилган, яъни тўлалигича мавжуд, машҳур ва бор экани тан олинган мавзудир. Ҳар қандай одам озгина фикр юритса, бунинглаб олиши мумкин. Аммо кўплаб чалғитишлар натижасида бу мавзу воқеликдан анча узоқлашиб қолган. Олдинги мавзуимизнинг охирида айтиб ўтганимиздек, шаръий ҳукмларни билишда усулул-фиқҳга ниҳоятда муҳтожмиз. Ушбу усулул-фиқҳ қоидалари мутлақ мужтаҳид томонидан ишлаб чиқилган бўлиши, мутлақ мужтаҳид бунда Қуръонда, Суннатда ва асарларда келган далилларга асосланган бўлиши керак эди. Яна қўшимча қиладиган бўлсак, мутлақ мужтаҳидлар қоидаларни ишлаб чиқиш ва истинбот қилиш билан шуғулланишган. Олдинги мавзуда айтиб ўтганимизки, истинбот – масалаларни эмас, балки қоидаларни келтириб чиқаришдир. Мутлақ мужтаҳидлар усулул-фиқҳ ёрдамида Қуръон ва Суннатга мувофиқ иш қилишган. Мутлақ мужтаҳидлар Қуръонда, Суннатда ва асарларда келган жуда кўп қоидаларни ишлаб чиқишган.

Демак, истинбот – қоидаларни чиқариб олиш экан. Бу босқичдан кейин бошқа бир босқич келади – у таҳриж босқичидир. Олдин айтиб ўтганимиздек, таҳриж билан мутлақ мужтаҳид ҳам, мазҳаб ичидаги мужтаҳид ҳам шуғулланавериши мумкин.

Таҳриж – қоидалар асосида ҳукмларни чиқариб олишдир.

Демак, олдимизда биринчи босқич турибди. Биз барча қоидаларни Қуръон ва Суннатдан чиқаришни хоҳлаяпмиз. «Ижтиҳод босқичи тугаб, мукаммал бўлган», деган гапнинг маъноси «Қуръон ва Суннатдан қоидалар чиқариб олиш даври ниҳоясига етган», деганидир. Бу босқич икки юз йил мутлақ ижтиҳод кўринишида, ундан кейин яна икки юз йил мобайнида ана шу ижтиҳодни давом эттирувчи, тўлдирувчи кўринишида давом этган. Демак, Қуръон ва Суннатдан қоидалар ишлаб чиқариш босқичи тўрт юз йил давом этган. Бу ишнинг бошида буюк саҳобалар, тобеъинлар, табаъа тобеъинлар, улуғ имомлар ва улардан кейинги уламолар туришган. Тўрт юз йил ўтгач, имомлар «Қуръон ва Суннатдан чиқарилмаган, бирор ҳукми бино қилишга лаёқатли бирор қоида қолганми ёки йўқми?» деган масалага эътибор беришган. Натижа шуни кўрсатганки, чиқариб олинмаган бирор қоида қолмаган.

«Бу гапга далил борми?» дейишлари мумкин. Уларга жавобан «Мана шу даврдаги уламолар чиқармаган бирор қоидани чиқариб беринг-чи?» деймиз. Бу улуғ зотлар ҳеч бир нарсани эътибордан четда қолдирмай, ҳамма қоидаларни ишлаб чиқишган. Ислоҳ имомлари тўрт юз йил ичида ишлаб чиққан қоидалардан ташқари бошқа қоидаларни ишлаб чиқиш майдони очик. Аммо ушбу тўрт юз йил улуғ имомлар даврини ўз ичига олган узоқ муддат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам уламолар «Ижтиҳод эшиги ёпилган» деб, Қуръон ва Суннатдан ишлаб чиқилмаган қоидалар қолмаганлигига ишора қилишади.

Кейинги босқич – масалаларни қоидалар асосида ишлаб чиқиш босқичидир. Тўрт юз йилдан кейин келган ҳар қандай масалани бундан олдинги даврда ишлаб чиқилган қоидаларга асосланиб чиқара оламиз. Эътибор берадиган бўлсак, Қуръон ва Суннатдан чиқариб олинган қоидалар бир хил кўринишда бўлмаган. Бу ишга бир неча мазҳаблар бош-қош бўлишган. Қоидаларни шофеъий, ҳанафий, моликий каби катта-катта мадрасалар ишлаб чиқишган. Натижада мўътабар ҳисобланган бир неча кўриниш юзага келган. Демак, бир кўриниш эмас, бир неча кўриниш бор. Мазҳаблар ичида эътиборга олинмайдиганлари ҳам бор, яъни эътиборга олинадиган ва эътиборга олинмайдиган кўринишлар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бу улуғ ишда диққатга сазовор бирор нарса эътибордан четда қолдирилмаган.

Мутлақ ижтиҳод босқичи қоидаларни ишлаб чиқиш босқичи бўлган. Амалий воқеликдан келиб чиқиб, уммат ижмоъси билан айта оламизки, тўртинчи ва бешинчи асрлардан кейин нима учун бир дона ҳам мутлақ

мужтаҳид чиқмаган? Чунки ишлаб чиқилмаган бирор қоида қолмаган. Бу қараш айтиб ўтган сўзимизнинг тўғри эканини қўллаб-қувватловчи яна бир далилдир.

Биринчи айтган сўзимиз – ишлаб чиқилмаган бирор қоида қолмагани эди, иккинчиси эса – бир неча замондан бери уммат иқдор бўлган ва иттифоқ қилган қараш бўлиб, тўртинчи асрдан кейин мазҳабига эргашиладиган бир дона ҳам мутлақ мужтаҳид йўқ эканидир. Бу бутун умматнинг ижмоъсидир. Агар бу фикр тўғри бўлмаса, натижа бошқача бўлган бўлар эди. Бу фикрни тўртинчи юз йилликдан кейин келган давлатларнинг ҳолати ҳам таъкидлайди. Салжуқийлар, айюбийлар, ғазнавийлар, усмонийлар ва мамлукийларнинг барчаси тўртинчи юз йилликдан кейин пайдо бўлган давлатлар бўлиб, шаръий ҳукмлардан ўзларига етарли даражасини топишган. Хўш, улар бу етарли ҳукмларни Қуръон ва Суннатга тўғридан-тўғри мурожаат қилиб чиқариб олишганми ёки қоидалар асосидами? Албатта, қоидалар асосида!

Бу борада хилоф қиладиган кишиларга: «Марҳамат, хоҳлаган мавзуингизда, хоҳлаган масалангизда саволингизни беринг. Мавжуд мазҳаблардаги қоидаларга асосланиб, унга доир ҳукмни топиб беришимиз мумкин», деб айтамыз.

Бугунги кунда «Қуръон ва Суннатга янгидан қайтиб, ўзимча ҳукм чиқараман», деб хато қилаётганларда бир нечта камчилик борлигини кўриш мумкин:

Биринчидан, бу кишилар мутлақ мужтаҳиднинг шартларига жавоб бера олмайди.

Иккинчидан, улар масалага доир оят ва ҳадислардан барча ҳужжатларни тўлалигича бир жойга йиғишмайди. Улар жамламай туриб, қандай қилиб ҳукм чиқаришлари мумкин?! Саҳобалар замонидан жуда узоқлашиб кетилгани учун улар бу шартга жавоб беришга қодир бўлишмайди.

Учинчидан, бундай одамлар тўғридан-тўғри ҳукм чиқариш учун биринчи навбатда Қуръон ва Суннатдан қоида ишлаб чиқиш ва шу қоидага асосан ҳукм чиқариш кераклигини билишмайди.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда юқорида айтиб ўтган йўлимиздан бошқа йўл орқали чиқарилган бирорта ҳукмни билмаймиз. Мабодо мазкур қоидалардан бошқа йўл билан чиқарилган ҳукмларга дуч келсак ҳам, унинг катта кулфат эканлигини кўряпмиз.

Сизларга тушунтирмоқчи бўлганим шуки, бундай йўлни тутган ҳар қандай кишининг оқибати мана шундай – шариат ҳукмларини бекорга чиқариш бўлади.

Такфир борасида ҳам худди шу гап. Бугунги кунда такфир Аҳли сунна дуч келаётган энг долзарб масала бўлиб турибди. Бунинг ортида нима турганини эшитсангиз, ҳайратга тушасиз – бунинг ортида Қуръон ва Суннатга мужтаҳидларсиз қайтиш турибди!

Тасаввур қилингки, бир киши Қуръон ва Суннатга мурожаат қиляпти. Сиз ундан қандай ҳукм чиқаришини билмайсиз. У киши аслида бунга қодир эмас, лекин ўзича мен тафсир қила оламан, дейди. Аҳли сунна барча ҳукмларда биринчи ўринга Қуръонни, иккинчи ўринга Суннатни қўядиган ва мутлақ мужтаҳидда бўлиши керак бўлган шартлар ва сифатлар топилган одамнинг ижтиҳодини эътиборли санайди. Лекин бу ишни мутлақ мужтаҳид бўлмаган киши қилса-чи? Бунинг оқибати қандай бўлади? Мусулмонларни кофирга чиқариш бўлади-да. Ўша кишининг қандай тафсир қилишини билмаймиз, чунки унда тафсирнинг қоидалари йўқ. Демак, Аҳли сунна олдида турган энг долзарб муаммо – ҳаққи бўлмаган кишиларнинг Қуръон ва Суннатга мурожаат қилишидир. Ўзини ҳақ деб билган, Аҳли суннанинг йўлидан юраман деган киши юқоридаги шартларга амал қилиши керак.

Аввалига сиз бу масалани унчалик жиддий деб ўйламаслигингиз мумкин. Қуръон ва Суннатга тўғридан-тўғри мурожаат қиламан деган одам кичик масалаларда, масалан, тасбеҳ ишлатиш, бармоқни кўтариш ёки бомдод намозида Қунут ўқимаслик борасида фатво бераётганини кўриб, бу оддий ҳолат, деб ўйларсиз. Аммо билиб қўйиш керакки, намоз ва таҳоратга тегишли бўлган кичик бир масала бўлса ҳам, фикҳий мазҳабларга хилоф бўлса, бу борадаги фатво ҳам, бир мусулмонни кофир дейишга, уни ўлдиришга берилган фатво ҳам бир хилдир! Чунки бу фатвони ёлғиз одам беряпти, унинг манҳажи ҳам ёлғиздир.

Хўш, унинг нотўғри ёндашган манҳажи қандай? Лаёқатли бўлмай туриб, мен Қуръонга тўғридан-тўғри мурожаат қилиб, уни тафсир қилавераман, деб олишидир!

Биз яшаб турган омонлик диёри кучли бўлса, улар мусулмонларни чалғитадиган фатволарни беришади. Агар давлат озгина заифлашадиган бўлса, тез фурсатда кофирнинг калласини олишни мувоҳаб деб фатво ҳам беришади. Шунинг учун бу икки фатвонинг ҳеч қандай фарқи йўқ.

Баъзилар: «Бу илмий салафийлик, бу эса жиҳодий салафийлик», дейишади (яъни уларни яхши ва ёмонга ажратмоқчи бўлишади). Йўқ! Буларнинг бари бир! Манҳажнинг ўзидаёқ йўлдан озиш бошланган. Хужжат-далилни тафсир қилаётган одамнинг бунга лаёқати йўқ. Бугун буни айтса, кейинги айтадиган гапи мусулмонларни кофирга чиқариш бўлади. Шунинг учун уларнинг хатари ҳам бир хил.

Айтилаётган гапларнинг барчаси қандай қилиб ижтиҳод қилиш масаласига бориб тақалади. Ижтиҳоднинг истинбот босқичи бор – унда мутлақ мужтаҳид ва усулул-фиқҳ бўлиши лозимдир. Усулул-фиқҳ дегани ҳукмий оятлар ва ҳукмий ҳадисларни билишгина эмас. Усулул-фиқҳ – усул қоидаларини ишлаб чиқиш ва шу қоидалар асосида ҳар бир ҳарфни, ҳар бир калимани, ҳар бир жумлани тафсир қилиш, қоидалар асосида хужжатларни жамлай олишдир. Кенг қамровли тушунчага эга бўлган, хужжатлар борасида тўлиқ илм ҳосил қилган кишигина ижтиҳодга қўл уриши мумкин.

Бу иш ниҳоятда оғир, ўта нозик бўлгани учун ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам тарбия қилган, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мукаммал тарбияларини кўрган саҳобалардан фақат бир нечтаси – ўн кишидан йигирма кишигача бўлган зотлар бу мақомга эришган. Биринчи ва иккинчи асрда эса бу мақомга фақат тўрт мазҳаб имомлари ва яна бир неча кишигина эришганлиги эътироф қилинган, холос. Демак, бу ниҳоятда шарафли, ғоятда машаққатли иш бўлиб, бунга ҳамма ҳам қодир бўла олмайди.

«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.